
2-сектор штаби ишчи гуруҳи томонидан Сулаймон маҳалласида сайёр қабул ташкилланди

Аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот қилиш ҳамда долзарб муаммоларини ўрганиш мақсадида туман прокурори вазифасини бажарувчиси Бунёджон Мелибоев иштирокида Ўзбекистон тумани “Сулаймон” маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

Унда тумандаги тегишли ташкилот ва муассасалар масъул раҳбарлари ҳам қатнашди.

Сайёр қабулда 10 нафардан зиёд фуқаронинг банк имтиёзли кредитларини олиш, бандликни таъминлаш, болалар нафақаси тайинлаш, уй-жой кадастрига оид каби масалалардаги мурожаатлари кўриб чиқилиб, кўтарилган ҳар бир масала юзасидан тегишли масъул ва муддатлар белгиланди ҳамда ижроси сектор штаби томонидан назоратга олинди.





2023-03-31 22:42:23